

Пудрат шартномаси

(Жорий таъмирлаш)

3А-102 -сон

2022 йил " 28 " 09

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **А.Бокнев** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **SHERABOD CITY HOUSE МЧЖ** номидан Низом асосида иш кўрувчи : **О.Рахматов** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастуриларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тadbирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет захира маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 27.05.2022 йилги №18 Манзилли дастурига асосан ҳамда, 24.09.2022 йилдаги №150608 сонли лот Протокол қарори **2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан таъмирлашни белгиланган Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Бахшитеп-1 МФЙ Янгиобод кўчасини жорий таъмирлашга** доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

I.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

"**ижро ҳужжатлари**": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

"**қурилиш майдони**": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

"**вақтинчалик ишлар**": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар тилдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

"**беркитилган ишлар**": сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани тархнини бўлиб чиқини: ишларнинг ҳар бир босқичи-ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хулосасига келишилган муддатларга асосан Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Бахшитеп-1 МФЙ Янгиобод кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (24.09.2022 йилдаги №150608 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча солиқлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **24 100 000 (йиғирма тўрт миллион юз минг) сўмни** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун;

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "**1а**" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- "**1**" иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудинда вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

-объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- қурилиш таваққалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандаги бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўнатиш;

қурилиш майдонини қуриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан донмий йўл қурилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига "16" иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун

ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлиқ якунлайди..

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни ташкил этади.** (бажариш графигига асосан)

13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдоридан, аванс ўтказилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (16-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70 % гача донрасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдоридан, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида баргараф этиш бўйича барча чораларини кўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор қилиб беради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсқиниз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаш схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани буйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгида қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш даврида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини суғуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларнинг қуриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш

44. Қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектнинг фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидаига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдирishнома юбориши мумкин.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Ўзбекистон Республикаси Қонунларида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30% фойзидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фойзи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фойзидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фойз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фойзидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2022 йил учун белгиланган иш ҳажми қийматининг бажармаган қисмидан Буюртмачига 1 фойз миқдорига жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи ҳужжатларини мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш вазирлигининг унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фойзидан миқдоридан ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган ҳаракатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бош берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларини ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низолар масалаларини томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

65.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яъни ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

66.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узғариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Узғариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухбири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

67.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

68.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортикча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

XVII. Алоҳида шартлар

69. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

70. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзғаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

76. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Буюртмачи:

Пудратчи:

“Сурхондарё миштакавий йўлларга
буюртмачи хизмати” давлат уштар
корхонаси

Термиз шаҳар Олмазор кўчаси 42-уй

Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

Ш/х: 30452880722267045129118041

Ҳазначилик бўлини маси номи: Ўзбекистон

Республикаси Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна: х/в 2340200030010000110

ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Ҳазначилик бўлини ИНН: 201122919

Директор  А. Бокнев

SHERABOD CITY HOUSE МҲЖ

Манзил: Шеробод тумани мажнунтол МФЙ

ТИФ Миллий банк Сурхондарё филиали

х/р: 20208000705348548002

МФО 00324 ИНН: 308224023

Директор  С. Раҳматов



Ушбу шартнома мажбурий амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос ҳолда тузилган, шартномавий-ҳуқуқий бизнес тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос ҳолда тузилган.

26.09.2022 йил

Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Бахшитева-1 МФЙ Янгиобод кўчасини жорий таъмирлаш объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Бахшитева-1 МФЙ Янгиобод кўчасини жорий таъмирлаш объектининг _____ сонли шартномасига - илова

МОЛИЯЛАНТИРИШ ГРАФИГИ

Молиялаштириш шартлари	Йиллар	Шу жумладан ойлар												Жами
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Йиллик иш ҳажмининг ажратилган аванс маблағи	2022 йил									7 230 000				7 230 000
Ажратилган аванс маблағининг ойдар бўйича тақсимланган қисми	2022 йил					0,0				7 230 000				7 230 000
Ажратилган аванс маблағини имобатга олиб, бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратилган маблағ	2022 йил					0				16 870 000				16 870 000
Жами	2022 йил		0	0		0			0,0	24 100 000	0	0	0	24 100 000
Жами молиялаштирилган маблағ														



Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Бахшители-1 МФЙ Янгибод кўчасини жорий таъмирлаш объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Бахшители-1 МФЙ Янгибод кўчасини жорий таъмирлаш объектининг _____ сонли шартномасига - илова

БАЖАРИШ ГРАФИГИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йил												Объектининг умумий қиймати
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Қурилиш-монтаж ишлари	2022									24 100 000,0				24 100 000
	Жами				0,0			0	0	0	0	0	24 100 000,0		24 100 000



Пудратчи



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 150608 на приобретение Шўрчи тумани Бахшитепа-1 МФЙ Янгиобод кўчасини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 24.09.2022

Время рассмотрения 22.09.2022 16:58

Закупочная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo`llarga buyurtmachi xizmati DUK (Sho`rchi) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха бўлим бошлиғи	Курулиш
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O`G`LI	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O`G`LI	Булим бошлиқ	Сурхондарё МЙБХ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.09.2022 года № лота 150608.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Шўрчи тумани Бахшитепа-1 МФЙ Янгиобод кўчасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	24 102 351.00
Стартовая сумма	24 102 351.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтиради). Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHERABOD CITY HOUSE	20	1	20	Экспертная		
JO'RAYEVA NARGIZA CHORVACHILI	20	1	18	Экспертная		

Критерий №2 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: "Охириги 3 йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш. "

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHERABOD CITY HOUSE	20	1	20	Экспертная		
JO'RAYEVA NARGIZA CHORVACHILI	20	1	18	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: "Иштирокчининг банкдан картатека йуклиги хақида маълумот, Солик органларида солиқдан қарзи йуклиги тугрисида тасдиқланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархнинг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHERABOD CITY HOUSE	20	1	20	Экспертная		
JO'RAYEVA NARGIZA CHORVACHILI	20	1	18	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот хақида умумий маълумот гувоҳномаси, СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприқларда рейтинг курсаткичи мавжудлиги.Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар).Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.Ходим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHERABOD CITY HOUSE	20	1	20	Экспертная		
JO`RAYEVA NARGIZA CHORVACHILI	20	1	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО SHERABOD CITY HOUSE	24 102 351.00	24 100 000.00 UZS	24 100 000.00	00.00	24 100 000.00	18.09.2022 22:03:39	19.91701
JO`RAYEVA NARGIZA CHORVACHILI	24 102 351.00	24 000 000.00 UZS	24 000 000.00	00.00	24 000 000.00	18.09.2022 22:46:34	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО SHERABOD CITY HOUSE	80	19.91701	99.91701
JO`RAYEVA NARGIZA CHORVACHILI	72	20	92

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 150608 от 24.09.2022 года на приобретение Шўрчи тумани Бахшитепа-1 МФЙ Янгиобод кўчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО SHERABOD CITY HOUSE
308224023

и резервный исполнитель: JO`RAYEVA NARGIZA CHORVACHILI (303799063)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Согласен	
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O`G`LI	Согласен	
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O`G`LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июл қароридан ИК-172-сонли "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тadbирлар туғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфда бўлган ички ҳужудлик йулларида Республика бюджети захира маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022-йил учун МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланган ва тугалланган йилли	Лоинжавий қувватни тегшиклик учун бирликларда	Таъмирлаш шартномаси тузилган вақтинчи умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 й. ҳолатига қурилиш ишларининг қайта ҳисоблашдан кейинги қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2021 й. ҳолатига молиялаштиришнинг қайта ҳисоблашдан кейинги қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	2021 йил капитал қўйилмалар	Қурилиш-монтаж ишларининг умумий қиймати	Шу жумладан:								Бошқа харажатлар (млн сўм)	шумдан,		Шартнома асосан таъмирлаш ишлари келгуси йилга ўтказилмаган объектларнинг 01.01.2023 й.га қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Ишлар шартномасига асосан молиялаштирилган объектларнинг 01.01.2023 й.га қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Тендер еълони қилинган вақтдан бери бўлиб ўтган вақтнинг саноли	Эксплуатация ва рақамлари	Пудратчи қурилиш ташкилотлари
										шумдан,				шумдан,					Бўюртмачини харажатлари	Лоинжа ва аккредитив харажатлари					
										Тўпрок йўлин тошга ўтказиш		Тошли йўлин асфальта ўтказиш		Цементбетон қоплама ўтказиш		Қуришларни таъмирлаш									
км	млн сўм	км	млн сўм	км	млн сўм	Пм	млн сўм	км	млн сўм	км	млн сўм	км	млн сўм	км	млн сўм	км	млн сўм								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26
190	Вилоят туманлари бўйича жами:		203,997 км/95 км	70 831,809	53 072,846	53 908,965	53 918,228	49 626,491	46 711,370	57,094	3608,908	121,436	29 195,081	25,457	9 507,264	95 км	3 452,042	1 415,582	526,814	888,768	1 435,893	2 643,947			
14	Ангор тумани		22,398	8 768,422	3 850,284	3 850,284	3 850,284	3599,8	3468,3	12,7	483,9	7,6	2039,5	2,1	571,0	0,0	0,0	126,5	58,0	68,5	0,0	0,000			
Захира маблағи																									
1	Жоме масжидга олиб боришни қўйиб тўхташ таъмирлаш	2021-2022 й	0,500	3 909,270	337,241	337,241	337,241	153,800	153,800			0,500	153,800								0,0	0,000	№187-Ғ 23.04.2021 й	№452-2021/472 25.05.2021 й	Ангор ТИФУК
2	Ш.Ҳор МФЙ Мактаб қўчасини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	1,000	415,8	277,5	277,5	277,5	277,5	277,5			1,000	277,5								0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№6779-2021/808 23.08.2021 й	Ангор ТИФУК
3	Юқори ҳўжакия МФЙ қўчаларини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	2,350	181,2	128,4	128,4	128,4	128,4	120,7	2,4	120,7							7,7	5,1	2,6	0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№531/Ғр-2021-1 16.09.2021 й	Ангор ТИФУК
4	Бўғари Таълиқон МФЙ ички йўлларини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	0,850	69,1	48,5	48,5	48,5	48,472	45,569	0,850	15,569							2,903	1,926	0,976	0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№631/Ғр-2021-1 16.09.2021 й	Ангор ТИФУК
5	Таълиқон МФЙ Гўлестон қўчасини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	1,285	300,3	316,2	316,2	316,2	316,2	307,1			1,285	307,1					9,1	9,1		0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№495-2021/550 23.05.2021 й №495-2021/550	Ангор ТИФУК
6	Қорасув МФЙ Ойбек, Фўркат, Хомқон МФЙ А.Темур Тивиллик, Зинг Гўлжабўб МФЙ Хомқон, Уйбеков МФЙ Янги қишлоқ, Гўлестон МФЙ Урик юр, Гўлестон, Хомқон МФЙ Тивиллик қўчаларини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	4,135	333,8	127,7	127,7	127,7	127,7	117,7	4,1	117,7							10,000	10,000		0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№897-2021/944 29.09.2021 й	Ангор ТИФУК
7	Добродуруш МФЙ Тадбиркорлар, Девқонот, Гўлфўк МФЙ Тараққиёт, Каттақум МФЙ Маданият, Ҳўжакия МФЙ Тивиллик, Тивиллик-1, Чинобод МФЙ Фаровон, Новаизлар МФЙ Мабулмуқдди қўчаларини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	5,388	437,6	209,9	209,9	209,9	209,9	199,914	5,388	199,914							10,000	10,000		0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№894-2021/970 29.09.2021 й	Ангор ТИФУК
8	Тўпрок йўли МФЙ Тўпрок йўли қўчасини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	0,200	11,5	4,3	4,3	4,3	285,2	280,833			0,200	280,833					1,128	0,225		0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№135-Ғр-2021-1 15.12.2021 й	Ангор ТИФУК
9	Илгор МФЙ қўчасига гуниг еришни чоракларини уришти	2021-2022 й	Объект	1 382,5	1 062,5	1 062,5	1 062,5	408,096	373,902									34,194	34,194		0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№532/Ғр-2021-1 22.11.2021 й	Қириқ ТИФУК
10	Тўлқин МФЙ, Гўлестон МФЙ ички қўчаларини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	1,060	414,8	308,9	308,9	308,9	308,9	291,2			1,1	291,2					17,7	11,7	5,9	0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№515/Ғр-2021-1 22.09.2021 й	Ангор ТИФУК
11	Наврў МФЙ, Баҳор МФЙ ички қўчаларини жорий таъмирлаш	2021-2022 й	0,895	255,4	65,1	65,1	65,1	65,1	59,2			0,9	59,2					5,9	5,9		0,0	0,0	№187-Ғ 23.04.2021 й	№532/Ғр-2021-1 22.09.2021 й	Ангор ТИФУК
12	Баҳор МФЙ Баҳор қўчасини жорий таъмирлаш	2022 й	2,145	683,2	683,2	683,2	683,2	683,225	669,829			2,145	669,829					13,396	13,396		0,0	0,0	№98533 10.06.2022 й	№36737 11.05.2022 й	Ангор ТИФУК

№	Ишончдорлар номи ва манзили	Қурилиш боварилини айтиш йили	Лойиҳани куяватлиги тегишли бирликлари	Таймирлаш шартномаси тўлиқ вақтидаги умумий қиймати, шу жумладан шартномадаги бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қиймати, шу жумладан буёртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қиймати, шу жумладан буёртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қиймати, шу жумладан буёртмачининг бошқа харажатлари	2021 йил капитал қуйилмалари	Қурилиш-монтаж ишларининг умумий қиймати	шундан,								шундан,			Шартномага асосан таъмирлаш ишлари келуси йилга ўтказилмаган объектларнинг 01.01.2023 йил қолдиқ қиймати, шу жумладан буёртмачининг бошқа харажатлари	Шартномага асосан таъмирлаш ишларининг қиймати, шу жумладан буёртмачининг бошқа харажатлари	Тасвир сўзларига ёлланган шартнома ва расмий	Эксплуатация сўзига ва расмий	Пудрати шартномаси асосан таъмирлаш ишларининг қиймати, шу жумладан буёртмачининг бошқа харажатлари	Пудрати шартномаси асосан таъмирлаш ишларининг қиймати, шу жумладан буёртмачининг бошқа харажатлари																				
										Тупроқ йўлини тошга ўтказиш		Тошдан йўлини асфальтга ўтказиш		Цементбетон коплама ётказиш		Қуриқларнинг таъмирлаш		Бошқа харажатлар (мили сўм)	Буёртмачининг харажатлари	Лойиҳа ва эскизувлар харажатлари							0	0	№187- F 23.04.2021 й	№544/2р-2021-1 15.12.2021 й	0	0	№187- F 23.04.2021 й	№532/9р-2021-1 22.11.2021 й	0	0	№124851 01.08.2022 й	№49978 05.07.2022 й	MCH SURHON-YO'L-RAVNAGI							
										км	млн сўм	км	млн сўм	км	млн сўм	Пм	млн сўм																							0	0	0	0	0	0	0
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26																					
13	Ювора Таллимарон МФЙ Беш Чинор кучасини жорий таъмирлаш	2022 й	0,850	582,4 11,4	582,4 11,4	582,4 11,4	582,4 11,4	582,400	571,000					0,850	571,000			11,400		11,400	0,0 0,0	0,0 0,0	№148958 12.09.2022 й	№49737 11.05.2022 й	Алгор ТЙФУК																					
14	Қўшқирмон МФЙ Гулзор кучасини жорий таъмирлаш	2022 й	1,240	0,0 0,0	0,0 0,0	0,0 0,0	0,0 0,0	5,000						1,240							0,0 0,0	0,0 0,0			Ташков																					
9	Бандихон тумани		23,000	2 479,744 105,850	2 193,560 79,667	2 193,560 79,667	2 193,560 79,667	2 193,6	2 113,9	16,7	1 242,0	5,8	575,3	0,5	296,6			79,7	39,3	40,3	0,0 0,0	0,0 0,0																								
